

558/1052 - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، ذَكَرَ حَدِيثَ الْكُثُوفِ بِطُولِهِ ثُمَّ قَالَ: يَا رَسُولَ

اللَّهِ، رَأَيْتَكَ تَتَاوَلْتَ شَيْئًا فِي مَقَامِكَ، ثُمَّ رَأَيْتَكَ كَعَكَعْتَ؟ قَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنِّي رَأَيْتُ
الْجَنَّةَ فَمَتَنَاوَلْتُ عَنْثُودًا، وَلَوْ أَصَبْتُه لَأَكَلْتُمْ مِنْهُ مَا بَقِيَتْ الدُّنْيَا، وَأَرَيْتُ النَّارَ، فَلَمْ أَرَ مَنْظَرًا كَالْيَوْمِ قَطُّ
أَفْطَعَ، وَرَأَيْتُ أَكْثَرَ أَهْلِهَا النِّسَاءَ». قَالُوا: بِمَ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «بِكُفْرِهِنَّ». قِيلَ: يَكْفُرْنَ بِاللَّهِ؟
قَالَ: «يَكْفُرْنَ الْعَشِيرَ، وَيَكْفُرْنَ الْإِحْسَانَ، لَوْ أَحْسَنْتَ إِلَى إِحْدَاهُنَّ الدَّهْرَ كُلَّهُ، ثُمَّ رَأَتْ مِنْكَ
شَيْئًا، قَالَتْ: مَا رَأَيْتُ مِنْكَ خَيْرًا قَطُّ».

558.1052. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида қуёш тугилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқидилар: Бақара сурасини ўқиганчалик узун қиём қилдилар. Кейин узун рукуъ қилдилар. Кейин (бошларини) кўтардилар-да, яна узун қиём қилдилар, бу аввалги қиёмдан қисқароқ эди. Кейин узун рукуъ қилдилар, бу аввалги рукуъдан қисқароқ эди. Кейин сажда қилдилар. Кейин узун қиём қилдилар, бу аввалги қиёмдан қисқароқ эди. Кейин узун рукуъ қилдилар, бу аввалги рукуъдан қисқароқ эди. Кейин (бошларини) кўтардилар-да, яна узун қиём қилдилар, бу аввалги қиёмдан қисқароқ эди. Кейин узун рукуъ қилдилар, бу аввалги рукуъдан қисқароқ эди. Кейин сажда қилдилар. Сўнг (намоздан) чиқдилар. Қуёш очилиб бўлган эди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, қуёш ва ой Аллоҳнинг оят-аломатларидан иккитасидир. Улар бировнинг ўлими туфайли ҳам, ҳаёти туфайли ҳам тугилмайди. Қачон ана шу(ҳол)ни кўрсангиз, Аллоҳни зикр қилинг»**, дедилар.

Улар: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз сизни турган жойингизда ниманидир олмоқчи бўлганингизни, сўнгра орқага тисарилганингизни кўрдик», дейишди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Шубҳасиз, мен жаннатни кўрдим ва бир шингил узум олмоқчи ҳам бўлдим. Агар уни олганимда, дунё тургунича ундан ер эдингиз. Менга дўзах ҳам**

кўрсатилди. Бугунгидек даҳшатли манзарани асло кўрмаганман. Унинг аксар аҳли аёллар эканини кўрдим», дедилар. «Нима учун, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. У зот: **«Куфрлари туфайли»,** дедилар. «Аллоҳга куфр келтирадиларми?» дейилди. У зот шундай дедилар: **«Эрларига куфроналик қилишади, яхшиликка куфроналик қилишади. Агар улардан бирига умр бўйи яхшилик қилсанг-у, сўнгра сендан бирон (ёқмайдиган) нарса кўрса, «Сендан ҳеч яхшилик кўрмадим», дейди».**

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI